# ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***Нукусда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги коллегиясининг кўчма мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёт ходимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, тегишли ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари, пойтахтдан келган таниқли олимлар ва мутахассислар қатнашди.***

Мажлисни соғлиқни сақлаш вазири Ш.Каримов бошқарди.

Сўзга чиққанлар экологик офат зонасида жойлашган Оролбўйи ҳудудида кейинги йилларда тиббий хизмат бирмунча яхшиланганини қайд этишди. Ўнлаб касалхона ва шифохоналар, поликлиникалар ишга туширилди. Уларда 3900 нафар врач фаолият кўрсатмоқда. Соҳа моддий-техника базаси ҳам анча мустаҳкамланди. Дори-дармон ва бошқа воситалар билан таъминлашда мамлакатимиздан ташқари БМТ, айрим хорижий давлатлар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва халқаро жамғармалар амалий ёрдам кўрсатмоқда. Айни вақтда оналар ва болалар саломатлигини сақлашни яхшилашда талайгина камчиликлар мавжуд. Айрим юқумли касалликлар, юрак, ошқозон-ичак хасталикларига чалиниш камаймаётир.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикасида тиббий хизмат кўрсатишнинг уч йилга мўлжалланган дастури қабул қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У.Аширбеков мажлисда нутқ сўзлади.

**(ЎзА).**

*• Фанимиз заҳматкашлари*

# ИЛМГА ОШНОЛИК



***Ёшликда илм ўрганиш ҳам, ақл-идрок топиш ҳам осон кечади. Боғбон дарахтни ниҳоллигида хоҳлаган томонга эгиб қўя олади. Ниҳол улғайиб, дарахт бўлгач, уни ҳеч ким эга олмайди. Бу нақлни донишмандлар топиб айтганлар. Зеро бу ҳақиқат неча авлодлар синовидан ўтиб келган. Ёшликда олинган билим — тошга ўйилган нақш дейишади. Инсоннинг умр тошига ўйилган бу илм нақши унинг бутун ҳаётини безайди.***

Тошкент Давлат аграр университети ботаника ва ўсимликшунослик кафедраси мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Зуфар Умаровнинг ҳаёт йўли ҳам айнан илм нақшлари билан безалгандир. У ўз иш фаолиятини 16 ёшида Чкалов номли самолётсозлик заводида чилангарликдан бошлаган. Ёшлигиданоқ илм олишга, касб эгаллашга интилди. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини тугатгач, шу институтда аспирант бўлиб қолди. 1955 йили ўсимликшунослик кафедрасида ассистент бўлиб педагогик фаолиятини бошлади. Орадан икки йил ўтгач, чигитни экишга тайёрлаш муаммолари бўйича номзодлик илмий ишини ёқлади. У шу билан кифояланиб қолмади, илм сарҳадларини эгаллаш, қишлоқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлаб бериш йўлидан борди. 1970 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш масалалари бўйича докторлик диссертациясини ёқлаб, профессор унвонига сазовор бўлди. Ўшандан бери ўсимликшунослик кафедраси мудири бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда. Қишлоқ хўжалик кадрлари ва илмий ходимларни тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшгани учун унга 1980 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвони берилди. Институтнинг ўқув, услубий ва илмий ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. У қишлоқ хўжалик фанлари бўйича намунавий дастурлар ва агрономия асослари дарслигининг ўсимликшунослик бўлими муаллифи, ўсимликшунослик ва шоличилик дарсликларининг муҳаррири ҳамдир.

Зуфар Умаров педагогик фаолият кўрсатиш билан катта илмий изланишлар ҳам олиб борди. Бу соҳада ўз мактабига эга. Юздан ортиқ илмий мақолалар ёзиб, қишлоқ хўжалик муаммоларининг ечимини топишда ўз ҳиссасини қўшди. Ўнлаб олимларни тарбиялаб вояга етказди. Профессор З.Умаров «ТашГАУ-1» янги ғўза навининг муаллифидир. Айни кунда бу нав синовдан ўтказилмоқда.

Шу кунларда 70 баҳорни қаршилаётган истеъдодли олим жўшқин ижодий фаолият кўрсатмоқда.

Инсониятнинг илм билан тириклигига шубҳа йўқ. Илм ҳар қандай машаққатни осон енгади. Буни Зуфар Умаровдек умрини илмга бағишлаган инсонлар ҳаётидан англаб олиш қийин эмас.

**Саодат МАТЁҚУБ қизи,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

• СПОРТ • СПОРТ • *спорт* • СПОРТ • СПОРТ •

# ЧЕЛЛЕНЖЕР – ОЛТИН ВОДИЙДА

**Фарғонада теннис бўйича халқаро турнир муваффақиятли ўтаяпти**



***Фарғонанинг энг гўзал, шинам, жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган «Истиқлол» теннис корти олдида дунёнинг 26 мамлакати байроқлари ҳилпираб турибди. Ана шу мамлакатлардан ташриф буюрган 61 спортчи теннис мусобақаларида ўзаро куч синашяпти.***

Фарғонада 1995 йили зўр муваффақият билан ўтган турнирда 14 мамлакат вакиллари қатнашганлигини эслатиб ўтсак, бу йилги турнирнинг нуфузи ва савияси бир поғона кўтарилганлигини, дунёдаги обрўси янада ортганлигини яққол сезиш мумкин. Фарғоналиклар бу йилги халқаро турнирни жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан бошланаётган тантаналарнинг дебочаси, деб ҳисоблашишмоқда.

Турнир 19 апрель куни бошланди. Саралаш мусобақаларида қатнашган 61 теннисчидан 32 нафари турнирнинг асосий мусобақаларида қатнашиш шарафига муяссар бўлишди. Улардан 6 нафари Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Мусобақаларнинг тантанали очилиши маросимида «Истиқлол» теннис мажмуининг марказий кортига тўпланган минглаб ишқибозлар теннис юлдузларини узоқ олқишлаб, шарафлаб турдилар. Мусобақаларнинг очилишида Ўзбекистон байроғини кўтаришдек шарафли ва масъулиятли вазифа республикамизнинг номдор теннисчиларидан бири Дмитрий Томашевичга ишониб топширилди.

Дмитрий бундай шарафга ўз-ўзидан мушарраф бўлгани йўқ. У асосий турнирнинг дастлабки учрашувида ПТА таснифи бўйича турнирда энг юқори рейтингга эга бўлган, профессионал теннисчилар ўртасида анча номдор ҳиндистонлик Леандер Паесни мағлубиятга учратди. Бу ғалаба Дмитрийни жаҳон теннисчилари ўртасидаги 321-ўриндан бир неча поғона кўтарилишига турткι бўлиши шубҳасиз.

Шуниси қувончлики, Фарғонадаги турнирда дунёдаги беш қитъанинг барчасидан теннисчилар иштирок этаяпти. Томошагоҳга тўпланган ишқибозлар олис Австралия, Жанубий Африка республикаси, Бразилия, Венесуэла, Исроил, Япония, Италия сингари ўнлаб мамлакатларнинг вакилларини қайта-қайта олқишлаб турдилар. Турнирга ташриф буюрган меҳмонлар ва ўйинчиларнинг фикрини билиш учун уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

**Сассон Какшури — Халқаро теннис федерациясининг вакили, турнир ҳомийларидан бири:**

— Ўттиз икки йилдан бери спортнинг шу соҳасини ривожлантиришга озми-кўпми ўз ҳиссамни қўшиб келяпман. Лекин бу соҳага дунёда Ўзбекистончалик кўп эътибор бераётган мамлакатлар бармоқ билан санарли деб ҳисоблайман. Уларнинг барчаси Ўзбекистон мустақиллигининг мевасидир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Россиядек улкан мамлакатда Халқаро теннис федерацияси ҳомийлигида 2 та турнир ўтказилаётган бўлса, Ўзбекистонда ҳар йили шундай турнирлардан 4 таси муваффақиятли ўтказиляпти. Бу фактнинг ўзи ҳам Ўзбекистонда теннисинг келажаги порлоқ эканлигидан яққол далолат бериб турибди.

**Стефан СИМИАН — франциялик теннисчи:**

— Мен дунё миқёсидаги жуда кўп мусобақаларда иштирок этганман. Лекин Фарғонадаги турнир бир умр ёдимда қолади. Чунки мен бу ерда мусобақада иштирок этаётган кезларимда менинг она юртим Франция, унинг пойтахти Парижда ЮНЕСКО ҳомийлигида «Темурийлар даври фан, маданият, таълим равнақи» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилаётганлиги қувонарлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу нуфузли анжуманда қатнашаётган дамларда мен Фарғонадаги турнирнинг саралаш мусобақаларида иштирок этиш шарафига муяссар бўлганлигимдан бахтиёрман.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БОЛАЛИКДА ҚОЛСАМ ҚАНИЙДИ



**ҲАЁТ**

***Ҳаёт доим силамас бошинг,***
***Бахтнинг ғамга уланиши бор.***
***Гоҳ қишингда гулласа баҳор,***
***Гоҳ ёзингда ёға бошлар қор.***
***Юрак танда, бироқ бўйсунмас,***
***Ўзи суйиб, ўзи айнийди.***
***Билолмайсан ким дўст, душман ким,***
***Болаликда қолсанг қанийди.***
***Ҳоримасдан ўтади кунлар,***
***Отанг ўтар, онанг ўтади,***
***Хотирангга бир нақш ўйиб***
***Муҳаббат ҳам ўтиб кетади.***
***Ҳаёт доим силамас бошинг...***

**АНГЛАШ**

**I**

***Талқон каби туилар орзу,***
***Армон эса улғайиб борар.***
***Фурсат кетиб борар бепарво,***
***Умрим баъзан зерикар, ҳорар.***
***Нуқта бўлиб кўринар эрта,***
***Хаёлимни юбордим унга.***
***Мангуликка ҳавас қилмадим,***
***Мен сиғиндим ҳар битта кунга...***

**II**

***Орзу мени ўлдирар ҳар кун,***
***Жон бахш этар армон шу заҳот.***
***Шу икки ўт орасида мен***
***Ўтиб кетсам дунёдан, наҳот?!***
***Сиртмоғини қўлидан қўймай,***
***Бўйнимга дор ташлайди эркам.***
***Шу азобда ҳар тонг маҳали***
***Машраб бўлиб туғилдим қайта...***

**ИФТИХОР**

***Фарғонада улғаяр тонглар,***
***Чинорларнинг кафтида ўйнаб.***
***Ҳаёт учун муқим маскан жой-***
***Ўтмиш, эрта туради яшнаб.***
***Кўнгил сўрар, кўнгил очмайди,***
***Оқар сувдай оқар одамлар...***
***Баҳор келмай тавофга келар,***
***Шу тупроққа бори бодомлар...***

**Холиқ НАЗАР.**

# ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 23 апрелда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

**Сотув ҳажми 16,40 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати – 36,50 сўм даражасида қайд этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 24 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| *1 Австралия доллари* | *28,84* |
| *1 Австрия шиллинги* | *3,42* |
| *1 Англия фунт стерлинги* | *55,17* |
| *10 Бельгия франки* | *11,72* |
| *1 Голландия гульдени* | *21,51* |
| *10 Греция драхми* | *1,51* |
| *1 Дания кронаси* | *6,24* |
| *1 БАА дирхами* | *9,94* |
| *1 АҚШ доллари* | *36,50* |
| *1 Миср фунти* | *10,74* |
| *1 Ирландия фунти* | *56,95* |
| *1 Исландия кронаси* | *0,55* |
| *10 Испания песети* | *2,89* |
| *100 Италия лираси* | *2,35* |
| *1 Канада доллари* | *26,80* |
| *10 Хитой юани* | *0,44* |
| *1 Қувайт динори* | *121,71* |
| *100 Ливан фунти* | *2,31* |
| *1 Малайзия ринггити* | *14,64* |
| *1 Германия маркаси* | *24,06* |
| *1 Норвегия кронаси* | *5,60* |
| *1 Польша злотийси* | *13,86* |
| *10 Португалия эскудоси* | *2,35* |
| *1 Сингапур доллари* | *25,91* |
| *1000 Туркия лираси* | *0,49* |
| *1 Финляндия маркаси* | *7,64* |
| *1 Франция франки* | *7,11* |
| *1 Швеция кронаси* | *5,45* |
| *1 Швейцария франки* | *29,71* |
| *1 ЭКЮ* | *45,19* |
| *10 Жанубий Корея вони* | *0,47* |
| *10 Япония иенаси* | *3,42* |
| *1000 Россия рубли* | *7,43* |
| *1000 Украина карбованеци* | *0,20* |
| *1000 Беларусь рубли* | *2,99* |
| *1 Эстония кронаси* | *3,01* |
| *1 Латвия лати* | *66,00* |
| *1 Литва лити* | *9,13* |
| *1 Қозоғистон тенгеси* | *0,56* |

***) – Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.



# ОБИДАЛАР – БЕБАҲО БОЙЛИК

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БУ ҲАҚИҚАТНИ ЯНА БИР БОР ТАЪКИДЛАДИ**

***Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва сақлаш муаммолари» мавзуидаги 3 - Халқаро илмий-амалий анжуман Тошкент (17-18 апрель) ҳамда Самарқанд (19-20 апрель) шаҳарларида бўлиб ўтди.***

Мазкур анжуман Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг маданият ёдгорликлари илмий ва ишлаб чиқариш бош бошқармаси, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент архитектура-қурилиш институти ва М. Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтлари саъйи-ҳаракатлари ва ҳамкорлигида ташкил этилди ва ўтказилди.

Анжуманда Амир Темур ва темурийлар даврида бунёд этилган тарихий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш ҳамда умуман архитектура ёдгорликлари муаммолари кенг муҳокама қилинди. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда республикамизда маълум даражада билим ва тажриба тўпланганлигига қарамай, ҳали жуда кўп ўткир масалалар ўз ечимини кутаётганлиги анжуманда алоҳида қайд этилди.

Юбилей муносабати билан Самарқанд шаҳрида кенг қамровли таъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги, аммо бу ишларнинг янада ҳар томонлама сифатли бўлишига эришиш лозимлигини Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров ўз кириш сўзида кўрсатиб ўтди.

Анжуманда муаммоларнинг энг мақбул ечимларини топишда республикамиз олимлари ва хориждан келган олимлар қимматли фикрлар билдиришди, Жумладан, Германиядан келган мутахассислар М. Мильке, Ф. Фраубург, М. Гернер, республикамиз олимлари ва мутахассисларидан Б. Асқаров, Р. Холмуродов, Э. Қосимов, П. Азизов, Х. Салаҳуддинов, К. Абдурашидов, Н. Самиғов, Р. Раҳмонов, А. Ҳасанов ва бошқаларнинг маърузаларида мазкур долзарб муаммоларнинг кўп қиррали эканлиги ва уларни муваффақиятли ҳал этиш учун комплекс ёндашиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бунда шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаш бугуннинг асосий вазифаларидан бири эканлиги бир неча маротаба қайд этилди.

Анжуман охирида унда кўтарилган масалалар ва вазифалар чуқур таҳлил қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Шу тариқа анжуманда қабул қилинган таклифлар ҳаётда ўз амалини топса, тарихий обидаларимизни сақлаш ва таъмирлаш муаммолари ечимига улкан ҳисса бўлиб қўшилиши билан бирга, келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимизни бажаришга қўйилган яна бир катта қадам бўлади.

**Саидислом Саидий,**
**Тошкент архитектура-қурилиш институти доценти.**


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ**

**маълум қиладики, 1996 йил 11 майда**

**ЛИЦЕНЗИЯЛИ АУДИТОРЛАР**

**тайёрлаш бўйича 1995-1996 ўқув йили гуруҳларига ҳужжатларни қабул қилиш тугатилади:**

***- вилоят гуруҳи (ўқиш муддати - ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 1 ой);***
***- шаҳар гуруҳи (ўқиш муддати - ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 3 ой).***

**Солиқ солишни ҳисобга олиш масалаларини тушунадиган мутахассисларга эҳтиёж кучли эканлиги сабабли республикада биринчи марта**

**"СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА БУХГАЛТЕР"**

**мутахассислигига ўқиш ташкил этилмоқда.**

**Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:**
**Тошкент, Ниёзбек йўли, 6. Тел.: 34-01-87, 35-72-51.**





**Шаҳар йўловчи транспортида бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар диққатига!**

Тошкент шаҳрида транспортни тартибга солишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш мақсадида, 1996 йил 15 майдан бошлаб трамвай, троллейбус, автобус ва метроларда бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳноманинг янги тури киритилиши туфайли "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмаси бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган имтиёзли йўловчиларга гувоҳномаларни 1996 йил 26 апрелдан бошлаб "Йўловчитранссервис" бирлашган хўжалик ҳисобидаги марказдан олишларини маълум қилади.

***Гувоҳномалар шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача 3-сон трамвай-троллейбус саройининг маъмурий биносида берилади.***

***Манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3а-уй.***

*Гувоҳнома олувчилар ўзлари билан 2та 3х4 ҳажмли фотосурат, паспорт, гувоҳнома олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар (шахсий нафақахўр (пенсионер)лар гувоҳномаси, ногиронлик китобчаси, ижтимоий таъминот бўлимидан берилган махсус варақали нафақахўрлар гувоҳномаси ва бошқалар) бўлиши керак.*

*Бизнинг манзилимиз: 700125, Тошкент шаҳри, Темур Малик кўчаси, 3а-уй (3-сон трамвай-троллейбус саройи), телефонлар: 63-19-36, 63-38-96.*

**"Тошшаҳарйўловчитранс" уюшмаси маъмурияти.**



ÖZBEK SERVIS MAŞ

**"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"**

**Ўзбекистон-Белорусь қўшма корхонаси**

**Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни сотади:**

**МАЗ автомобилларининг эҳтиёт қисмлари (100 номда).**

Шу жумладан:
- МАЗ-53366 автомобили соябони (тенти) пломбалаш троси билан;
- 202 генератори;
- ременлар;
- датчиклар;
- турли хилдаги амортизаторлар;
- А 24-1, А 24-5 электролампалари.

**Шунингдек МТЗ тракторларига эҳтиёт қисмлар (30 номда).**

Шу жумладан:
- блок головкаси;
- цилиндрлар блоки;
- гидроусилитель;
- коленваллар вкладишлари билан;
- дисклар ("ведоми" ва "нажимной") сотилади.

**300х508 шиналари сотилмоқда.**

**Ҳақ тўлаш шакли – сўмда, нақд ва пул ўтказиш, вексель йўли билан.**




**Манзил: Тошкент, Кафанов-Нукус мавзеси, 3.**
**Телефонлар: 54-99-19, 54-62-09.**
**Факс: 54-88-11.**

**"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" - МАҲСУЛОТЛАР ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ.**





ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев.
Навбатчи — Н. Тошев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0200 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 01.00.** 1 2 3 4 5 6